Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 143 (6. 334) 1987 йил 26 июнь, жума Баҳоси 3 тийин

Замондошимиз



Давр билан ҳамнафас

Унинг касби оддий — ишчи. Йигирма етти йилдан бери 159-трестга қарашли 4-темир-бетон буюмлари заводида самарали меҳнат қилиб келади. Ҳалол меҳнат уни элга танитди. Дастурхонини безади, хонадонига файз киритди. Рихси Аҳмедова ўзи ҳақида гапиришни хуш кўрмайди. Қисқа қилиб: «Эл қатори ишлаяпман», дейди, холос. Бироқ унинг босиб ўтган йўли, корхонадаги меҳнат фаолиятига назар ташласангиз бу меҳнаткаш аёлнинг таржимаи ҳоли равшан кўринади. Фидокорона фаолияти ҳам муносиб тақдирланган. «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» ва «Шавкатли меҳнати учун» медалларн шулар жумласидандир. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланиши ҳам Рихси Аҳмедованинг корхонанинг чинакам илғорларидан эканлигини исботлаб турибди.

Ўз касбининг устаси бўлган бу аёл билан КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори хусусида суҳбатлашиб қолдик.

— Бутун коллективимиз билан бу ҳужжатни ўқиб, пухта ўрганиб чиқдик, — дейди Рихси Аҳмедова. — Чиндан ҳам, сўнгги йилларда янги аъзолар партия кучларига бўлган реал эҳтиёжларни, сафларни ўстиришнинг мавжуд базасини ва партияга кирувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олмай танланадиган бўлиб қолган эди. Партия сафлари кўпинча жиддий меҳнат ва ҳаёт мактабидан ўтмаган кишилар ҳисобига шакллантирилди. Бу, албатта, Устав талабларига тамомила зид эди. КПСС Марказий Комитети бу ҳақиқатни ўз вақтида очиб ташлади ва бундан буён партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлашни алоҳида уқдириб ўтди.

Давр билан қадам ташловчи бу ишчан аёл ёрқин уфқларни кўзлаб меҳнат қиляпти. Унинг мақсади Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги кунигача ўн иккинчи беш йиллигининг икки йиллик плантопшириқларини бажаришдир.

СУРАТДА Р. Аҳмедова.

Т. Каримов фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1987 йил 25 июнь куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми иш бошлади. «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги масала Пленум муҳокамасига киритилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев мазкур масала юзасидан доклад қилди.

Пленум қатнашчиларига ўртоқ М. С. Горбачев докладининг тезислари билан, шунингдек халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш масаласи юзасидан меҳнаткашларнинг мактублари обзори билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти берилди.

Мажлисда доклад юзасидан музокараларда: Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токарлар бригадири В. Т. Одилов, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. В. Тализин, Горький область Ковернино районидаги В. И. Ленин номли колхоз раиси М. Г. Вагин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, КПСС Архангельск область комитетининг биринчи секретари П. М. Телепнев, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси Ю. П. Баталин ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 26 июнь куни ўз ишини давом эттиради.

ПАРТИЯНИНГ ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг 1987 йил 25 июнда КПСС Марказий Комитети Пленумидаги доклади тезислари

I.

Ушбу Пленумда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун, қайта қуришни янада чуқурлаштириш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар кўриб чиқилади.

Ҳаёт партия ишлаб чиққан йўлнинг тўғрилигини тасдиқлади. Мамлакатда кенг кулоч ёйган қайта қуриш — Октябрь ишининг бевосита давоми, партиянинг марксизм-ленинизм революцион ишига садоқатининг далилидир.

Совет кишиларининг ҳар бир авлоди Октябрь ғалабаларини ривожлантиришга, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Биз ўз тарихимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, келажакка комил ишонч билан назар ташламоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида янгиланишга ҳар томонлама комплекс тус бериш зарурати яққол кўрсатиб берилди, қайта қуришга кенг халқ оммасини жалб этишнинг асосий шарти сифатида, бошланган иш охиригача етказилишининг гарантияси сифатида жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини демократиялаштириш йўли асослаб берилди.

Янгиланиш совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида бошланиб кетди. Ижтимоий онгда сезиларли ўзгариш рўй берди, партия ва жамиятда руҳий-психологик вазият ўзгармоқда, маънавий ҳаёт жонланди. Сиёсий системани такомиллаштириш ва ривожлантириш, шубҳасиз ижобий натижалар бермоқда. Жамиятни демократиялаштириш сари қатъий бурилиш партиянинг катта сиёсий ғалабасидир. Тажриба бу борада ҳам тўғри йўл танлаб олинганлигини яққол кўрсатиб турипти.

Биз қайта қуришнинг энг қийин даври — амалий ишлар даврига қадам қўйдик. Энг муҳими оғирлик марказини қабул қилинган қарорларни бажариш борасидаги ишларни собитқадамлик ва қунт билан авж олдириб юборишга ўтказишдан иборат бўлиб, қайта қуришнинг муваффақияти шунга боғлиқдир.

Қайта қуришнинг кўп йўналишларидаги муайян ижобий силжишлар бегамлик учун асос бўлолмайди. Ўткир проблемалар ҳаддан зиёд кўпайиб кетди, уларни қисқа муддат ичида ҳал этиб бўлмайди. Марказий Комитет Сиёсий бюроси, гап, биринчи навбатда устун йўналишлардаги ишларни аниқ-равшан ажратиб олиш, қайта қуришнинг суръатлари ва муддатлари тўғрисида бормоғи керак, деб ҳисоблайди. Ҳар бир босқич олдига аниқ мақсадлар ва вазифалар қўйилмоғи лозим.

Қайта қуришнинг бориши зарур ўзгаришлар ҳозирча суст кетаётганлигидан далолат бермоқда. Бу гап экономика соҳасига ҳам, социал соҳа, идеология соҳасига ҳам, партия, совет, хўжалик органлари, раҳбар кадрлар ишига, меҳнат коллективларининг ҳаёти ва фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Марказий Комитет апрель Пленуми ва партия XXVII съездидан кейин социал-иқтисодий тараққиёт масалалари юзасидан қабул қилинган бир қанча муҳим қарорларни бажаришда қолоқликка йўл қўйилдики, бу нарса жиддий таҳлил этилмай, конкрет амалий чоралар кўрмай қолдирилиши мумкин эмас. Кўпгина қолларда партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари жамиятда тез ўсиб бораётган жараёнлардан орқада қолмоқдалар.

Демократик ўзгаришлардан чўчиш қоллари ҳам учраб турибди. Ҳолбуки, гап принципиал масала—қайта қуришга чинакам демократик тезкорлик бахш этиш тўғрисида боратўр. Демократия асосидагина меҳнаткашлар оммасини активи-ижтисодий, маданий, социал фаолиятга жалб этиш, кадрлар сиёсатини самарали ўтказиш учун қулай вазият вужудга келтириш, қарорларни ишлаб чиқишда хатоларга йўл қўймаслик, пастдан юқоригача таъсирчан назорат бўлишига эришиш мумкин.

Социалистик демократизмни ривожлантириш, халқ хўжалигини бошқариш механизмини қайта қуриш юксак ташкилотчилик ва онгли интизомни, социалистик жамият тартиботи ва турмуш қоидаларига қатъий риоя қилинишини тақозо этади. Қонун доирасида ривожланиб борувчи активлик, ташаббуслар эса ўз навбатида ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватланмоғи, рағбатлантирилмоғи, майдачуйда қоидалар, ўйлаб чиқарилган инструкциялар ва ҳар ҳил кўрсатмалар билан чеклаб қўйилмаслиги лозим. Сиёсатдаги бундай бурилиш барча давлат органларини ғоят жиддий равишда қайта қуришни кўзда тутади.

Афтидан, Марказий Комитетимиз Пленумида давлат ва хўжалик аппаратини тубдан қайта қуриш масаласига жуда яқин келганлигимизни қайд этишга ҳақлимиз.

Январь Пленумидан кейин ўтган давр партия ишига янгича ижодий ёндашувлар зарурати масалаларини яна бир карра кескин қилиб қўйди. Партия жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида авж олдириб юборилган жараёнларга моҳирлик билан раҳбарлик қилмоғи лозим. Сиёсий Бюро барча партия ташкилотлари ўзгаришлар олдида бўлиши кераклигига асосланади. Жамиятда рўй бераётган қайта қуриш партияда, айниқса, партиянинг раҳбар органларида шу жараёнларни тушуниб етишдан ўзиб кетишига, партиянинг ўзидаги қайта қуриш жамиятда рўй бераётган ўзгаришлардан орқада қолишига йўл қўйиш бўлмайди.

Бу борада партия органларимиз, кадрларимиз иш услублари ва методларини янгилаш ҳозир лозим даражада активлик билан олиб борилмаяпти. Партия органларининг, шу жумладан, район ва шаҳар даражасидаги партия органларининг фаолиятини ўрганиш улар орасида қайта қуриш ғоялари ва ишларини тушуниб етганлари унча кўп эмаслигини кўрсатмоқда.

Январь Пленумидан кейин партия ва жамиятда қайта қуриш муқаррарлигига ишончнинг янги даражасига эришдик, хатти-ҳаракатларимизга куч-қувват қўшдик. Лекин ҳали кўп ишлар ўзгаришсиз қолмоқда ёки жуда оз ўзгарган, ҳар қолда бу ўзгаришлар замон талабларига мувофиқ келмайди. Одамлар қайта қуриш тақдиридан ташвишланиб, партия Марказий Комитети олдига партия, давлат ва хўжалик органларида, ҳамма даражаларда талабни кучайтириш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш масаласини қўйяптилар. Етилган ўзгаришларни амалга оширишга ўзининг танболлиги сабабли тўсқинлик қилаётган кишилар олдига талаблар қўядиган пайт келди.

(Давоми 2-бетда).

Г. МИРЗАҲОШИМОВА.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

УМИДБАХШ НАТИЖАЛАР

«Комфорт» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ошхона мебеллари туркуми, китоб жавонлари ва бошқа маҳсулотлари сифатли бўлиши кўп жиҳатдан 1-цехга боғлиқ. Бу мебель плиталарига пардоз бериш цехида меҳнат унумдорлиги беш ойда 9 процентга ошди. Бу йириклаштирилган хўжалик ҳисобида ишловчи комплекс бригада ташкил этилганлигининг натижасидир. Бригада 26 кишидан — операторлар ва созловчилар, пардозловчилардан иборат. Саримсоқ Абдурасулов бригадаси биринчи навбатда иш графигини такомиллаштирди.

Яқин вақтларгача бригада аъзолари соат 8 дан 16.00 гача бир сменада ишлар эди. Энди ликда жадаллаштириш, давр талаби асосида иш икки сменада ташкил этилди. Натижада пардозлаш ускуналарининг бекор туриб қолиши камайди, маҳсулот сифати яхшиланди. Май ойида 118,4 минг сўмлик ўрнига, 128,4 минг сўмлик иш бажарилди.

Бирлашма бўйича бу илғор коллектив 4 марта меҳнат беллашувида ғолиб чиқди. Аҳил бригада аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган кунгача планга қўшимча 230 минг квадрат метр мебель плитасининг пардозлаш мажбуриятини олган.

Д. ОБЛАЕВ.

Давлат қабули: сифат кафолати

ЛАУРЕАТ ИБРАТИ

Яқиндагина уни касбдошлари енгил саноат ходимларининг Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент область мукофоти лауреати бўлганлиги билан сидқидилдан қутлашган эди. Энди эса биринчи тақдимдаёқ уни сифат назоратчиларига маҳсулот топширишга муваффақ бўлаётганлиги билан табрикламоқдалар.

Наталья Панкина ўзи эришаётган бу қувончли ютуқнинг боисини меҳнат самараси деб билади. Шу боисдан ҳам кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган моҳир чевар барча имкониятларини меҳнат унумдорлигини оширишга, иш сифатини яхшилашга сафарбар этмоқда. Ҳар бир операцияни пухта бажаришда ташаббускорлик кўрсатаяпти. Натижада маҳсулотнинг давлат қабули фаолият кўрсатаётган ҳозирги даврда ҳам унинг иш услубига эътирозлар билдирилмаяпти. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўнлаб пешқадам тикувчилари қатори биринчи тақдимдаёқ сифат кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминламоқда. Юбилей йили планини 7 ноябрга қадар бажаришга қатъий аҳд қилган Наталья Панкинадан кўпчилик ибрат олмоқда.

Г. МИРЗАҲОШИМОВА.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

1987 йил 21 июнь, якшанба куни йиғирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловларга тайёргарлик билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон ССР Конституцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонуни талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилдм.

Шаҳар сайлов комиссияси барча 500 сайлов комиссияларидан овоз бериш натижалари тўғрисида тўлиқ маълумотлар олди. Шаҳар Совети депутатлигига сайловларда рўйхатга киритилган жами сайловчиларнинг 99,5 процентн иштирок этди. Депутатликка номзодлар учун сайловларда иштирок этган жами сайловчиларнинг 99,2 процентн овоз берди.

0.8 процент сайловчи қаршн овоз берди.

Шаҳар сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округи бўйича овоз бериш материалларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Қонунига асосан 500 депутатлик шаҳар Советига сайланган деб рўйхатга олди.

Депутатларнинг 252 нафари ёки 50,4 процентн хотин-қизлар, 208 нафари ёки 41,6 процентн КПСС аъзолари ва КПСС аъзолигига кандидатлар, 109 нафари ёки 21,8 процентн ВЛКСМ аъзолари, 209 нафари ёки 58,0 процентн ишчилардир.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР, РАЙОНЛАР ВА УЛУҒБЕК ПОСЁЛКА СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

1987 йил 21 июнь, якшанба куни йиғирманчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар, районлар ва Улуғбек посёлка Советларига сайловлар бўлиб ўтди.

Сайлов кампанияси омманинг юксак сиёсий ва меҳнат активлиги, партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетн январь (1987 йил) Пленуми қарорларини қаётга жорий этиш учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ курашн вазиятида ўтди.

Сайловларга тайёргарлик билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон ССР Конституцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонуни талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилди.

Сайловларни ўтказиш учун 12 сайлов комиссияси ташкил этилиб, уларнинг ишида жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларн ва истиқомат жойлари бўйича гражданлар йиғинларининг 158 вакили иштирок этди. Комиссия аъзоларининг 81 нафари ёки 51.2 процентн ишчилар, 71 нафари, ёки 44,9 процентн КПСС аъзоларн ва КПСС аъзолигига кандидатлар, 87 нафари ёки 55 процентн партиясизлар, 84 нафари ёки 53,1 процентн хотин-қизлар, 44 нафари ёки 29,7 процентн ёшн ўттиздан ошмаган ёшлар, 39 нафари ёки 24,6 процентн ВЛКСМ аъзоларн эди.

Сайловлар халқ депутатларн Тошкент шаҳар, районлар ва Улуғбек посёлка Советларига ўтказилди. Маҳаллий Советларга сайловларни ўтказиш учун 2447 сайлов округи, шу жумладан 500 та шаҳар, 1897 та район, 50 та посёлка сайлов округлари ташкил этилган эди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва район Советларига сайловларда сайловчиларнинг 99,4 процентн, посёлка Советларига сайловчиларнинг 99 процентн иштирок этди.

Улуғбек посёлка Совети депутатлигига номзодлар учун жами сайловчиларнинг 99,1 процентн овоз берилди, 0,2 процент қаршн овоз берилди. Посёлка Совети бир сайлов округи бўйича бир депутатликка номзод кўпчилик овоз ололмади.

Жами шаҳар бўйича маҳаллий Советларга 2446 депутат сайланди, уларнинг 1354 нафари ёки 55,3 процентн ишчилар. Депутатларнинг 1091 нафари ёки 44,5 процентн КПСС аъзоларн ва КПСС аъзолигига кандидатлар, 1356 нафари ёки 55,4 процентн партиясизлар, 1179 нафари, ёки 48,1 процентн хотин-қизлардир. Ёшя 30 гача бўлган депутатлар 771 нафар ёки 31,5 процентни, ВЛКСМ аъзоси бўлган депутатлар 436 нафар ёки 17,8 процентни ташкил этди.

Шаҳар халқ депутатларн маҳаллий Советларига сайланган депутатларнинг составн Советларнинг чинакам халқчил моҳиятини, совет жамиятининг социал структурасини, мамлакатимиз халқларининг бузилмас бирлиги ва дўстлигини ифодалайди.

ШАҲАР, РАЙОНЛАР ВА ПОСЁЛКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ РАЙОН ХАЛҚ СУДЛАРИГА ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИНИ САЙЛАШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

1987 йил 21 июнь, якшанба куни Тошкент шаҳрининг район халқ судлари халқ судьялигига сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловларни ўтказиш учун 10 сайлов комиссияси ташкил этилиб, уларнинг ишида жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларн ва истиқомат жойлари бўйича гражданлар йиғинларининг 126 вакили иштирок этди. Комиссия аъзоларининг 62 нафари ёки 49,2 процентн ишчилар, 55 нафари ёки 43,6 процентн КПСС аъзоларн ва КПСС аъзолигига кандидатлар, 60 нафари ёки 47,6 процентн партиясизлар, 66 нафари ёки 52,3 процентн хотин-қизлар, 38 нафари ёки 30,3 процентн ёшн 30 гача бўлган ёшлар, 27 нафари ёки 21,4 процентн ВЛКСМ аъзоларн эди.

Халқ судьяларини сайлаш учун 66 сайлов округи ташкил этилган эди. Тошкент шаҳри район халқ судларининг халқ судьяларини сайлашда жами сайловчиларнинг 99,4 процентн иштирок этди.

Тошкент шаҳри район халқ судларн халқ судьялигига номзодлар учун жами сайловчиларнинг 99,1 процентн овоз берди, 0,9 процент сайловчи қаршн овоз берди. Ҳақиқий эмас деб ҳисобланган бюллетенлар йўқ.

Жами шаҳар бўйича район халқ судларига 66 нафар халқ судьялари сайланди. Уларнинг 48 нафари ёки 73 процентн КПСС аъзолари ва КПСС аъзолигига кандидатлар, 18 нафари ёки 27 процентн партиясизлар, 30 нафари ёки 45,4 процентн хотин-қизлардир.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

Газетхон—газета—газетхон

Ечимини кутаётган муаммолар

Сиҳат-саломатлик хизмати

Нега болалар ўртасида ўлим камаймаяпти? Қачон диагноз қўйишдаги хатолар тугатилиб, ҳамма ерда малакали медицина хизмати кўрсатиладиган бўлади? Соғлиқни сақлаш хизмати моддий базасини мустаҳкамлаш учун нималар қилинаяпти?

— Ана шу ва газетхонларнинг мактубларида кўтарилган бошқа кўпгина масалалар июль ойида ўтказиладиган амалий учрашувлар давра суҳбати учун туртки бўлди. Бундан мақсад — аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш ишлари самарадорлигини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш, турли хасталикларга учраган беморларни даволаш ва уларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш, медицина ёрдами сифатини яхшилаш масалаларига эътиборни жалб этишдир. Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши ўз профессионал ва хизмат бурчини бажариш учун, медицина ёрдамининг сифати ва маданияти учун медиклар масъулиятини оширишгина эмас, соғлиқни сақлаш хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлашни ҳам тақозо этади.

Бугунги кунда у КПСС XXVII съезди қарорларида соғлиқни сақлаш хизмати олдига қўйилган талабларга очиқ-ойдин жавоб бермайди. Учта туғруқхона, барча болалар касалхоналари, шаҳар бирлашган кўп профилли касалхонаси бундан мустасно, қайта мосланган биноларга жойлашган. Юқумли касалликлар шифохоналари тозалаш иншоотларига эга эмас, Акмал Икромов районидаги кўп профилли касалхонанинг болалар бўлими ремонтга муҳтож. 1-болалар сил касалликлари диспансерида, 5- болалар юқумли касалликлар шифохонасида, 15-болалар касалхонасида аҳвол бундан яхши эмас. Янги ускуналар билан жиҳозланиш, касалхоналарни кўпга-тўшак ва дори-дармонлар билан таъминлаш каби муаммолар ҳам бор.

Даволаш-профилакт и к а муассасаларини тор ихтисосликдаги врачлар билан таъминлаш каби проблемалар ҳам оз эмас. Уларнинг ҳал этилиши Соғлиқни сақлаш министрлигига, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига боғлиқ эканлигини инобатга олиб, биз ҳаммани ва ҳар биримизни ҳаяжонлантираётган масалалар юзасидан суҳбатга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидовни, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромовни таклиф этдик. Суҳбат янада сермазмун ва самарали бўлиши учун биз одатдаги бевосита суҳбат чоғида савол бериш тартибидан бироз чекиндик. Негаки, кўпинча уларга дарҳол тўлиқ жавоб бериш имкони бўлмайди. Энди газетхонларни қизиқтирган саволларни биз олдиндан йиғиб борамиз.

Ҳурматли газетхонлар, саломатлик хизмати ишини такомиллаштириш, «врач — бемор» муносабатлари муаммосига доир таклифларингиз бўлса, 5 июлга қадар редакция адресига йўллашингизни сўраймиз. Даволаш самарадорлиги, инсон саломатлиги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ. Таклифларингиздан амалий учрашувлар давра суҳбатида фойдаланилади, учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот газета саҳифаларида эълон қилинади.

ПАРТИЯНИНГ ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

II.

Ҳозир экономикани ривожлантиришни нималар ушлаб турибди? Иқтисодий механизмнинг, бошқариш системасининг самарасизлиги, деб рўй-рост айтавериш керак. Кейинги икки йил ичида экономикани бошқаришда чуқур ўзгаришлар жараёни бошланди, 70—80-йилларда вужудга келган вазиятни таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган хўжалик юритишнинг янги методлари ҳамда бир қанча иқтисодий тажрибалар ўзлаштирилмоқда. Анча-мунча ишлар қилиб қўйилдию, лекин эришилган натижалар жуда оз. Ўзгаришлар бўлса ҳам, улар жуда кам, туб ўзгаришлар эмас. Экономикани бошқарувчи яхлит система яратиш борасидаги асосий ишлар ҳали олдинда.

Партия ишлаб чиққан ва ушбу пленум муҳокамасига қўйилаётган туб ислоҳот концепцияси — тарихий тажрибаларни танқидий таҳлил этиш натижаси, янгича шароит ва эҳтиёжларга берилган жавобдир. Бу ислоҳот иқтисодий ўсишни оралиқ натижалардан пировард, социал аҳамиятга молик натижаларга ўтказишни, ҳаётий эҳтиёжларни қондиришни; хўжалик самарали олиб борилишига йўл қўймайдиган тахчиллик вазияти бартараф этилишини; хўжалик муносабатларида истеъмолчини биринчи қилиб қўйиш, унга танлаш ҳуқуқи ва имкониятларини беришни; фан-техника тараққиётини иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айлантиришни; пухта ишловчи зидди ҳаражат механизми яратилишини кўзлайди. Ислоҳотнинг моҳияти — ҳамма даражаларда раҳбарлик қилишда маъмуриятчилик методларини устун қўйишдан иқтисодий методларни устун қўйишга, бошқарувни кенг кўламда демократиялаштиришга, инсон омилини ҳамма чоралар билан кучайтиришга ўтишдир.

Таклиф этилаётган қайта қуриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчидан, бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллик миқёслари ғоятда кенгайтирилади, улар тўла хўжалик ҳисобига ўтказилади, энг юқори пировард натижалар учун масъулияти оширилади, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятлари бажарилади, коллективларнинг даромад даражаси уларнинг иш самарадорлигига бевосита боғлиқ қилиб қўйилади, меҳнат муносабатларида коллектив пудрат кенг кўламда ривожлантирилади;

иккинчидан, экономикага марказлашган раҳбарлик тубдан ўзгартирилади, унинг сифат даражаси оширилади, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегиясини, сифатини, суръатларини ва мутаносиблигини белгиловчи асосий масалаларга жамланади ва айни пайтда қуйи хўжалик бўғинларининг оператив фаолиятига марказнинг аралашувидан қатъиян ҳоли қилинади;

учинчидан, планлаштириш, нарх белгилаш, пул билан таъминлаш ва кредит бериш, моддий-техника таъминотини, фан-техника тараққиётини, меҳнат ва социал жараёнларни бошқариш тубдан ислоҳ қилинади;

тўртинчидан, ихтисослаштиришни чуқурлаштиришни ва кооперация алоқалари пухталигини таъминловчи янги ташкилий структуралар яратилади, илм-фан ишлаб чиқариш билан бевосита шуғулланади ва шу асосда жаҳондаги сифат даражасига чиқиб олинади;

бешинчидан, ортиқча марказлашган, команда берилувчи бошқариш системасидан демократик системага ўтилади, ўзини ўзи бошқарув ривожлантирилади, инсон шахси имкониятини кучайтирувчи механизм яратилади, вазифалар аниқ белгилаб қўйилади, партия, совет ва хўжалик органлари фаолиятининг услуб ва методлари тубдан ўзгартирилади.

Иқтисодий механизм моҳиятини ва унинг умумий йўналишини аниқ тушуниб етилганидагина, бу соҳада чуқур революцион ўзгаришларни амалга ошириш мумкин бўлади. Сиёсий жиҳатдан олганда, бу ўзгаришлар биз учун аниқ-равшан бўлиб, кўпроқ социализм бўлсин, кўпроқ демократия бўлсин, деган формула билан ифодаланади. Қилинаётган хатти-ҳаракатларнинг — социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, социализмни амалда мустаҳкамлашдан иборат асосий мезонининг тўғрилиги шундан келиб чиқади.

Социализм назарияси ва практикасининг асосий масаласи — иқтисодий, илмий-техникавий ва социал тараққиёт омилларини капитализмга нисбатан социалистик заминда қандай қилиб янада кучли қилиш, планли раҳбарликни шахс ва коллектив манфаатлари билан қандай қилиб қўшишдан иборатдир. Бу энг мураккаб масала бўлиб, социалистик тафаккур ва ижтимоий практика шунга жавоб қидириб келди ва ҳозирда ҳам қидирмоқда. В. И. Ленин шу масалага то сўнгги мақолаларигача ҳамиша мурожаат этиб келганди.

Биз бугунги кунда дуч келган масала айни шудир. Асосий проблемаларимиз ва зиддиятларимизнинг илдизи мана шу масала замиридадир. Бу борада кўпгина масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Ижтимоий меҳнатни кучайтирувчи таъсирли омиллар ва механизмларни яратиш калитини меҳнаткашларга ўз иш ўрнида ҳам, меҳнат коллективида ҳам, умуман жамиятда ҳам ҳақиқий эгалик мавқеини таъминлаб беришда деб биламиз. Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш соҳиблари сифатидаги манфаатлари — социал-иқтисодий ва фан-техника тараққиётини жадаллаштирувчи энг зўр манфаат, энг қудратли кучдир.

Социалистик мулк каби туб масала хусусида янги тасаввурларни ишлаб чиқиш зарурлиги шундан келиб чиқади. Биз бу ишни бошлаб юбордик, одамлар, коллективлар, корхоналар (бирлашмалар), тармоқлар ва тармоқлараро ва территориал комплекслар ўртасидаги иқтисодий муносабат сифатидаги, шунингдек манфаат ва омиллар мураккаб системаси сифатидаги бутун бойликлари билан ижтимоий мулк мазмунини тўла очиб бермоқ учун уни қатъиян чуқурлаштириш зарур.

Ижтимоий мулкни замонавий тушуниш корхоналар ўртасида, шу жумладан давлат корхоналари билан кооперативлар ўртасида ижтимоий эҳтиёжлар яхшироқ қондирилиши учун иқтисодий мусобақа, бир-биридан ўзиш зарурати эътироф этилишини, айрим корхоналарнинг монополиячилик мавқеи чекланишини ҳам ўз ичига олади.

Халқ хўжалигига марказлашган планли раҳбарликнинг унинг айрим бўғинлари мустақиллиги билан, планли ишларнинг товар —пул муносабатлари билан ҳамкорлик проблемаларини қайтадан жиддий идрок этиш лозим.

Хуллас, биз ҳозирги босқичдаги тараққиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хўжалик механизмини тубдан қайта қуришга кенг майдон очиб бериш учун социализмнинг иқтисодий шакллари тўғрисидаги тасаввурларимизни янгилашимиз керак. Шу қайта қуриш чоғида социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг янада юксак – тараққиёт босқичига чиқмоғимиз лозим. Бу муносабатлар ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучларига мувофиқлаштирилмоғи зарур. Бусиз биз социалистик тараққиётга янги омиллар бера олмаймиз ва янги руҳ бахш эта олмаймиз.

III.

Партия XXVII съездидан кейин олдимизда бошқарувни тубдан ислоҳ этишни нимадан бошлаш керак, деган масала кўндаланг бўлиб турди. Планли экономика шароитларида иқтисодий механизмни қайта қуриш жараёни марказлашган раҳбарлик органлари вазифаларини ўзгартиришдан бошланмоғи даркорлигининг мантиғи бор, албатта. Лекин биз бошқа йўлдан бориб, хўжалик механизмининг туб ўзгаришларини асосий бўғин— корхона (бирлашма)дан бошладик, биринчи навбатда корхона (бирлашма) учун энг қулай иқтисодий муҳит яратиш, унинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, масъулиятини ошириш ва шу асосда бошқарувнинг бутун юқори бўғинлари фаолиятига туб ўзгаришлар киритиш мақсадида шундай қилдик.

Биз корхоналар (бирлашмалар) иқтисодий ишимизнинг пойдевори эканлигига асосланамиз. Маҳсулот одамларнинг меҳнати билан вужудга келтирилади, фан-техника тафаккури моддийлашади, деган бош ижтимоий жараён ана шу ерда кенг қулоч ёяди. Иқтисодий ва социал муносабатлар ана шу ерда реал бунёдга келади, одамларнинг шахсий, коллектив, ижтимоий манфаатлари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетади. Умуман қайта қуришнинг муваффақияти биз асосий бўғиндаги ишларнинг боришини қандай ўзгартиришимизга боғлиқ бўлади.

Корхона (бирлашма)нинг ҳозирги хўжалик механизми қандай бўлади? Бу механизмни ишлаб чиқишга киши ўзини бир қолипдаги ишлар ва ўтмиш тасаввурлари билан боғламай, иқтисодий ва социал самарадорлик манфаатларидан келиб чиқиб, мутлақ холис туриб ёндашмоғи ниҳоятда муҳимдир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планини ижтимоий эҳтиёжлар, ҳақини тўлашга қодир талаб асосида корхонанинг ўзи тузиши назарда тутилади. Жамият манфаатлари давлат буюртмалари орқали гарантияланади. Балансга эришиш хусусига келганимизда, уни таъминлаш учун контрол рақамлардан фойдаланилади. Контрол рақамлар планни ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумот бўлиб хизмат қилиши ва директива тусида бўлмаслиги керак. Шу муносабат билан планлаштиришда, корхоналарнинг фаолиятига баҳо бериш ва моддий рағбатлантиришда шартномаларнинг роли кескин ошади ва бу нарса буюртмачи билан ишлаб чиқарувчининг ўзаро масъулияти кучайтирилишини назарда тутади.

Ўзига ажратилган ресурслардан фойдаланиш учун корхоналарга тўла масъулият юклатилади, меҳнаткашларнинг даромад даражаси пировард натижаларга бевосита боғлиқ қилиб қўйилади. Барча жорий харажатлар, шу жумладан, меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан реконструкция қилишга бир йўла сарфланадиган маблағлар ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан қопланади. Давлат корхоналарнинг мажбуриятларига жавоб бермайди, бюджет ҳисобидан пул билан таъминланилмаслиги қоида қилиб қўйилади, шу билан бирга банк кредитидан масъулиятли фойдаланиш учун кенг имкониятлар очиб берилади.

Умумхалқ манфаатлари иқтисодий нормативлар системаси орқали коллектив манфаатлари билан қўшилиб кетади. Ишлаб чиқариш фондлари, ер, сув учун давлат бюджетига тўловлар, меҳнат ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш ва социал-маданий эҳтиёжларни қондириш фондларини ташкил этиш нормативлари, иқтисодий асосланган даражадаги банк проценти ва бошқалар шулар жумласидандир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот нархлари ва хизмат тарифлари ўзига хос иқтисодий норматив бўлади.

Корхоналар ва бирлашмалар тўла хўжалик ҳисобининг икки хил варианти бўлиши мумкин. Шулардан бири соф даромад (фойда)ни норматив тақсимлашга, иккинчиси эса — ялпи даромад (соф маҳсулот)ни норматив тақсимлашга асосланган. Шулардан ҳар бирининг ўзига хос кучли ва заиф томонлари бор. Корхоналар тўғрисидаги қонун лойиҳасида кўзда тутилганидек, хўжаликнинг турли соҳаларида иккаласини баббаравар қўллайвериш ҳам мумкин бўлар.

Корхона ўзига керакли хом ашё, материал, комплектловчи деталлар, машина-ускуналарни тез, чаққон олиб турганидагина, унинг хўжалик ҳисобидаги фаолияти самарали бўлади. Бу эса фонд ҳосил қилиш шаклидаги моддий-техника таъминотидан ишлаб чиқариш воситаларини кўпроқ улгуржи савдо қилишга ўтишни кўзда тутади.

Меҳнат коллективининг ўзини ўзи бошқариши янги иқтисодий механизмнинг энг муҳим элементи ҳисобланади. Бундай бошқариш меҳнаткашларнинг ташаббус кўрсатиши, мустақиллиги, куч-ғайрат ва идрокини намоён этиш учун қудратли омил бўлади. Коллективни ортиқча васийлик ва назоратдан ҳоли қилиб, унинг чиқарадиган қарорларига кўпроқ ишониш керак.

Шундай қилиб, бу ерда гап самарали ва шу билан бирга ҳар бир меҳнаткашга содда ва тушунарли хўжалик механизмини яратиш тўғрисида бормоғи лозим. Янги хўжалик механизмининг асосий жиҳатлари давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонун лойиҳасида акс эттирилган.

IV.

Демократик централизм— социалистик экономикани бошқаришнинг асосий принципидир. Марказлашган раҳбарликка сифат жиҳатидан янги қиёфа бермоқ лозим. Бу раҳбарликни аслида фақат марказда ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар теварагига жамлаш лозим. Бу нарса, биринчидан, макроэкономик жараёнларни экономикани тўла ва пухта баланслаш асосида социал-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожлантиришнинг умумдавлат стратегиясини амалга ошириш бўлса, иккинчидан, экономиканинг асосий бўғинлари бўлмиш корхоналар ва бирлашмаларда самарали хўжалик юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Экономиканинг вужудга келган экстенсив ривожланиш шароитларида маъмурий бошқарув системаси у вазифани ҳам, бу вазифани ҳам самарали ҳал этишига имкон бермайди.

Ҳозирги шароитларда планлаштириш қандай бўлиши керак? Дастлабки кўрсатма, умумдавлат планининг «фалсафаси» қандай бўлиши керак? У мамлакат тараққиётидаги устун йўналишлар ва мақсадлар мажмуидан иборат бўлмоғи, структура ва инвестиция сиёсатининг, фан-техника тараққиётининг йўналишларини, социал тараққиёт марраларини, илмий, таълимий ва маданий потенциални жамлашни, мудофаа қобилиятини сақлаш вазифаларини белгилаб бермоғи лозим. Ана шу шароитларда планлаштириш «белгиловчи» қисмининг аввало, 15 йиллик социал-иқтисодий тараққиёт концепциясининг роли ортади. Йилма-йил бўлиб чиқилган беш йиллик план амалда давлат планлаштиришининг белгиловчи формаси бўлиб қолмоғи керак.

Пландаги пропорцияларни, экономиканинг министрликлар ва идоралар, шунингдек иттифоқдош республикалар бўйича балансли бўлмоғини таъминлаш учун контрол рақамлар берилади. Бу рақамлар чекланган доирадаги ҳисоб кўрсаткичлари ҳолида ижтимоий эҳтиёжларнинг ифодаси ва планлаштириш учун мўлжал сифатида корхоналарга етказилади. Иқтисодий норматив ва омиллар план органларининг корхоналарга кўрсатадиган асосий таъсир кучи бўлиб, планнинг тармоқлар бўйича кўрсаткичларига чиқишни таъминлайди. Бу норматив ва омиллар корхоналар (бирлашмалар) фаолиятини шундай шароитларга қўйиши керакки, улар контрол рақамларга қараб мўлжал олиб, ижтимоий эҳтиёжларни мумкин қадар самарали қондириш йўлларини излашдан наф кўрсинлар.

Нарх ҳосил қилишни тубдан ислоҳ этиш иқтисодий механизмни қайта қуришнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шуни тўла-тўкис тушуниб олиш керакки, янгича бошқарув системасини мавжуд нарх системасига киритиб бўлмайди, чунки мавжуд система экономиканинг экстенсив ривожланиш шароитларида вужудга келиб, узоқ вақт мобайнида сақланиб қолган. Бу ерда гап нарх системасини қандайдир қисман такомиллаштириш тўғрисида эмас, балки нарх ҳосил қилишни тубдан ислоҳ этиш тўғрисида бораётир. Бунда ривожланишнинг ҳозирги босқичига мувофиқ бўлган янгича сиёсий-иқтисодий ёндошувлар бўлмоғи лозим. Эндиликда ҳамма «нарх-наво хўжалигимиз» — улгуржи нархлар, харид нархлари ва чакана нархлар, тарифлар ўзаро боғлиқ қайта қуришни тақозо этади. Нарх ҳосил қилишни ислоҳ этиш муҳимлиги ва мураккаблиги сабабидан уни тайёрлашга дарҳол киришиш кераклиги аёндир. Жуда кўп ишлар қилишга тўғри келади ва уларни бажаришга ҳамма куч-қувватларни сафарбар этиш лозим.

Моддий-техника таъминотини қайта қуриш ниҳоятда муҳимдир. Унинг асосий йўналиши — фондлар ташкил этишдан улгуржи савдога қатъий ўтишдан иборат. Пировард натижада давлат моддий-техника таъминот органларига ресурслар балансли бўлишини таъминлаш, улгуржи савдони тартибга солиб бориш ва уни назорат этиш вазифаларигина қолган бўлур эди.

Улгуржи савдони ресурслар таҳчиллиги бартараф этилиб борган сайин жорий этиш мумкин, деган гаплар кўпинча қулоққа чалиниб қолади. Шундай бўлса, ушбу масалани муҳокама қилиб, бундай фикрга танқидий кўз билан қарайлик. Гап шундаки, тажрибаларнинг кўрсатишича, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабни кескин камайтириб юбориб, товар-моддий бойлик запасларини нормал ҳолга келтириш имкониятини очиб беради. Бундай бойликлар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқанинг ўзидагина 300 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Яқинда ташқи иқтисодий сиёсат ва уни амалга ошириш механизми соҳасида узоқни кўзловчи муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар ташқи иқтисодий алоқаларимизни янгилаш ва самарадорлигини ошириш ҳамда тармоқлар ва корхоналар ишига, уларнинг маҳсулоти сифатига, фан-техника тараққиётига ташқи бозорнинг таъсирини кучайтириш учун катта майдон очиб беради.

Молия, кредит ва пул муомаласи соҳасида катта проблемалар йиғилиб қолди. Мамлакатнинг молия системаси таг-туби билан эскирди. У ишлаб чиқаришдан ажралиб қолган, кўпинча хазина тўплашни, шу дақиқадаги мақсадларнигина кўзлаб хўжалик юритиш самарадорлигини оширишга рағбатлантирмайди. Кредит қайтиб келиш, таъминланганлик, тўлашга яроқли, маълум мақсадга қаратилганлик каби ўзига хос хусусиятларини анча йўқотиб қўйди. Муомала каналлари тўлов воситалари билан тўлиб тошган, пулнинг қадрсизланиш жараёнлари ривожланиб бормоқда. Бу вазиятни қатъиян ўзгартириш керак.

Янги иқтисодий механизм экономикамиз камомадсиз ва молиявий жиҳатдан балансли бўлишига эришишга ва шу ҳолни сақлаб туришга кўмак бермоғи лозим. Халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан соғломлаштирувчи ҳамда ундаги мол ва моддий ресурслар тахчиллик вазиятига барҳам берувчи махсус программа ишлаб чиқилмоғи керак. деб ўйлаймиз. Бу энг катта проблемани ишлаб чиқариш, молиявий, ташкилий тусдаги чоралар мажмуини ҳал этиш, нарх ҳосил қилишда эпчил практика билан ҳал қилиш керак.

